

Глобал бозорларга чиқиш барча учун тенг бўлиши керак. Бу — нафақат иқтисодий зарурат, балки биринчи галда, барқарор ривожланишнинг муҳим омили, халқаро муносабатларда ишонч ва ҳамкорлик шартидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
6-avgust
chorshanba
№ 31 (1457)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

СИЁСАТ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДЕНГИЗГА ЧИҚИШ ЙЎЛИГА ЭГА БЎЛМАГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАҲДИД ВА МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚАТОР МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманбоши шаҳридаги "Аваза" миллий туризм ҳудудида ўтаётган БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясида иштирок этди, деб хабар бермоқда "Дунё" АА мухбири.

Давлатимиз раҳбари матбуот хизмати маълумотига кўра, Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедов раислигида ўтган тадбирда БМТ бош котиби Антониу Гутерриш, Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, шунингдек, бошқа қатор давлат ва ҳукуматлар, халқаро ва минтақавий ташки-

лотлар раҳбарлари ҳам иштирок этди. Кун тартибига мувофиқ, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш, иқтисодиётни трансформация қилиш, иқлим ўзгариши ва экологик таҳдидларга бардошлиликни ошириш, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш-

нинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Туркманистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, глобал ва минтақавий барқарорлик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Конференцияда муҳокама қилинаётган масалалар ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканини, чунки денгиз портларидан жўрғофий ўзоқлик ва бир неча мамлакат ҳудудларини кесиб ўтиш зарурати бир қатор объектив муаммоларни келтириб чиқараётганини таъкидлади.

Тарифларнинг юқорилиги, транспорт йўлақлари ва инфратузилмасининг чекланганлиги, бошқа мамлакатларнинг божхона-транзит сисъатига қарамлик шулар жумласидан.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, катта транспорт харажатлари ва транзитнинг беқарорлиги туфайли Марказий Осиё минтақаси ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 2 фоизигача йўқотмоқда.

Логистика харажатлари товарлар қийматининг 60 фоизигача қисмини ташкил этади, бу эса жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан бир неча баробар юқоридир.

Шу муносабат билан янги ишончли транзит йўлақлари ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш Марказий Осиёда барқарор тараққиётнинг муҳим шартига айланмоқда.

2-6

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

АҚЛЛИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК



2025 йил 21–24 июль кунлари Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян-Уйғур автоном вилоятида жойлашган Шихэцзи шаҳрида "International Smart Agricultural Equipment Development – ISAED-2025" халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуман "Бир камар – бир йўл" ташаббуси доирасида ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш,

аграр соҳада замонавий технологияларни жорий этиш ва мамлакатлар ўртасидаги агроиндустриал ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Тадбирда дунёнинг турли қитъаларидан етакчи олимлар, муҳандислар, илмий марказлар ва олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этдилар.

2-6

БИР ГАПИ БОР ОДАМЛАР

"...Момом билан боғлиқ бу хотираларда менга таълим ва тарбияни бир-бирига эш билган донишманд элнинг умумий қарашлари, ҳаёт фалсафаси акс этгандай туйиллаверади..."



6-6



ОЛТИН ЗАНГЛАМАС

ёхуд Олмалик кончилари даврасида бир кун

Олтин занглас, дейдилар. Ҳа, зангламайди. Ялтираб-ялтираб кўзларимизни қамаштираверади, жилоланиб-жилоланиб қалбимизга ором бераверади. Нечун дейсизми? Чунки у юзлаб, минглаб, ун минглаб олтин қалбли зартопарларнинг оғир меҳнати, пешоналаридаги маржон-маржон терлари эвазига юз кўрсатган қимматли топилмадир, бебаҳо бойлиқдир!

5-6

ТАНЛОВ

"ENG ULUG', ENG AZIZ"

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Кинематография агентлиги, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Бадий академия, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган "ENG ULUG', ENG AZIZ" анъанавий республика кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга "Ватан учун, миллат учун, халқ учун!" деган бош гоани ўзида муҳассам этган асарлар ва журналлар қабул қилинади.

"ENG ULUG', ENG AZIZ"

танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- босма ОАВ ходимларининг энг яхши журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг энг яхши материаллари;
- интернет журналистикаси;
- публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун;
- ёзувчи ва шоирларнинг энг яхши бадий асарлари;
- тасвирий санъат, фото ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим: муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги қисқача маълумот (объективка); муаллифнинг паспорт ёки ID-карта нусхаси, телефон рақами. Жамоавий иштирок этувчи ОАВнинг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси ва ташкилот раҳбарининг паспорт ёки ID-карта нусхаси.

Танловда ҳар бир иштирокчининг 2024 йил 1 августдан 2025 йил 1 августгача босма ва интернет нашрларида эълон қилинган, радио ва телевидениеда эфирга узатилган 5 тадан 7 тагача материаллари жорий йилнинг 15 август кунигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси давлат мус-

тақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрами арафасида мукофотланади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари, телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари ҳамда интернет журналистикаси бўйича ижодий ишлар "Eng ulug', eng aziz" танловида деб кўрсатилган ҳолда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг (99 466-10-25) рақамига очилган (O'zbekiston Journalistlar uyushmasi) Telegram-мига юборилади.

Мурожаат учун телефонлар: 71 244-37-87, 71 244-64-62.

Тасвирий санъат, фото ва дизайн ишлари Ўзбекистон "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг (97 761-11-71) Telegram рақамига юборилади.

Мурожаат учун телефонлар: 71 244-27-79, 71 244-57-24.

Кино санъати асарлари Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигининг (93 345-75-86) Telegram рақамига юборилади.

Мурожаат учун телефон: 93-345-75-86.

Ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига юборилади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Бунёдор кўчаси, Адиллар хибони.

Мурожаат учун телефонлар: 71-231-83-49, 71-231-83-67.

Журналистлар томонидан нашр этилган публицистик жанрдаги китоблар бўйича танловда иштирок этиш истагида бўлганлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига бир нусха китоб тақдим этади. Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Мурожаат учун телефон: 71 244-37-87, 71 244-64-62.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДЕНГИЗГА ЧИҚИШ ЙЎЛИГА ЭГА БЎЛМАГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАХДИД ВА МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚАТОР МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

1-6. – Бугун бизни бирлаштирган кун тартиби фундаментал масала – адолат масаласига дахлдир. Бу – денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатларга жаҳон иқтисодиётида тенг шароитларда иштирок этиш имкониятини таъминлашдир, – деди Ўзбекистон етакчиси.

Шу билан бирга, ушбу долзарб муаммони ҳал қилиш учун урта принципа шартни бажариш лозим.

Булар барқарор ривожланиш асоси сифатида инфратузилмани модернизация қилиш, транзит муаммоларининг олдини олиш мақсадида ўзаро боғлиқлини кучайтириш ва глобал тенг ҳуқуқлилиқнинг асосий элементи бўлган ривожланиш ҳуқуқини таъминлашдир.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда хусусий секторни фаол жалб қилган ҳолда замонавий транспорт-логистика тармоғини шакллантириш бўйича тизимли қадамлар кўйилди. Савдо-транспорт жараёнларини рақамлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилаётган таркибий иқтисодий ислохотлар, савдо тизимини либераллаштириш ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш сезиларли натижалар бермоқда: рақобатбардошлик ошди, инновацион ривожланиш жадаллашди.

– Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва шериклик янги даражага кўтарилгани эса жадал ўзгаришларга кучли туртки бермоқда, – деди давлатимиз раҳбари.

Бугун минтақада ягона транспорт-логистика макони шаклланимоқда. Марказий Осиёни Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги тўлақонли транзит хабига айлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми 4,5 баробар кўпайиб, 11 миллиард доллардан ошди. Инвестициялар икки баробар, қўшма корхоналар сони беш баробар кўпайди.

Жорий йилда ҳамкорлар билан “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бошланди, “Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Туркия” транс-

порт йўлига орқали юк ташиш ҳажми сезиларли даражада ошди.

Денгизга чиқиш имкони бўлмаган мамлакатларнинг умумий тахдид ва муаммоларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Президенти қатор аниқ тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Аввало, халқаро транспорт йўлақлари ва инфратузилмасини жадал ривожлантириш учун ўзаро мувофиқлашган ҳаракатларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шу маънода, “Ўзбекистон – Афғонистон – Покистон” темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш ва уни қурилатган “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўл магистрали билан туташтириш муҳимлиги таъкидланди.

– Бу кенг минтақамизда янги савдо-иқтисодий макон ва барқарор транспорт инфратузилмасини шакллантириш учун катта имкониятлар очади, – деди Ўзбекистон етакчиси.

Давлатимиз раҳбари Ўрта йўлак соҳаётини, энг аввало, ўзаро келишилган транзит сиёсатини юритиш, қўдаларни унификация қилиш ва контейнер ташувлари учун мақбул тарифларни жорий этиш орқали тўлиқ ишга солишга қарор қилди.

Ўзбекистон Президенти, шунингдек, БМТ шафелигида денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатлар учун Транзит кафолатлари тўғрисидаги глобал битимни ишлаб чиқишни тақлиф қилди.

Хужжат портлар ва коммуникациялардан адолатли фойдаланиш шартларини таъминлаш, юк ташишда хавф-хатарларни пасайтириш, глобал логистикада тенгсизликни камайтиришга қаратилган.

Ийрик инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштириш учун мослашувчан инвестиция воситаларига талаб ортиб бораётганини ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари БМТ шафелигида Денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатларнинг логистика интеграциясига қўмаклашиш жамғармасини тузиш ташаббусини илгари сурди.

Марказий Осиё мамлакатларининг транспорт инфратузилмаси учун инвестицияларга бўлган эҳтиёжи йўлига қарийб 40 миллиард доллар баҳоланмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон раҳбари транзит имкониятларининг чекланишини ҳолисона аниқлаш, халқаро молиявий-техник дастурларни кенгайтириш ва ресурсларни реал шароитларни ҳисобга олган ҳолда самарали тақсимлаш мақсадида Денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатларнинг Заифлик глобал индексини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Ўзбекистонда аграр соҳани ривожлантириш бўйича Инновацион хабни ташкил этиш тақлифини амалга ошириш муҳимлигига эътибор қаратилди. Бу мослашувчан агротехнологияларни жорий этиш, сувни тежаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича инновацион лойиҳаларни илгари сурди, билим ва тажриба алмашишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти етакчи экспертлар ва “ақл марказлари”ни умумий тахдидларни енгиб ўтиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишга фаол жалб қилиш, шу жумладан, халқаро анжуман ва давра суҳбатлари ўтказиш муҳимлигини қайд этди.

– Бундай тадбирлар кун тартибига глобал ишлаб чиқариш заңжирларига мамлакатларимизнинг чуқур интеграциясини таъминлаш, сунъий интелект ва рақамли технологияларни жадал ривожлантириш, трансчегаравий инвестицияларни кенгайтириш ва стартапларни қўллаб-қувватлаш масалаларини киритиш мумкин, – деди Президент.

Шунингдек, Ўзбекистон денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатлар учун Халқаро таҳлил маркази фаолиятига қўшилиш ниятида экани маълум қилинди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари мамлакатимиз глобал тараққиётнинг янада адолатли архитектурасини шакллантириш бўйича конструктив ва узоқ муддатли шерикликка тайёр эканини тасдиқлади.

Конференция якунида Аваза сиёсий декларацияси қабул қилинди.

Дунё АА.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

УСТОЗ ЖУРНАЛИСТ ҚУТЛУҒ ЁШДА

Журналистика соҳасини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган тадқиқотчи олим, тажрибали педагог, устоз журналист Норкуват Тўраев қутлуғ 70 ёшга тўлди. Шу муносабат билан Термиз шаҳридаги Матбуот уйда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими томонидан устоз журналистнинг ижод йўлига бағишланган “Ижод абадий яшайди” мавзусида адабий-ижодий тадбир ўтказилди.



Унда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раиси вазифасини бажарувчи Чори Жумақулов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Менгнор Олпомурадов, “Нуроний” жамғармаси Ангор тумани бўлими раиси Эсон Мардонов, фахрий журналист Абдулла Холмирозев ҳамда Норкуват Тўраевнинг яқинлари, дўстлари, шогирдлари иштирок этишди.

Н.Тўраев меҳнат фаолиятини мактабда ўқитувчилик касбидан бошлаган. Адабиётга ошно педагог сўз сечини шуурида йиллар давомида ҳис этган бўлса не ажаб! Ўзидagi иқтидор уни тахририятга етаклади. Йиллар давомида қалами чарқлиниб, журналистика соҳасининг сир-синоатларини ўзлаштириш билан бир қаторда ижодни ҳам ёнма-ён давом эттирди. Тинимсиз меҳнат ва ижод маҳсули натижа-сида ижодкорнинг “Сурхондарё вилоят халқ таълими юксалишида”, “Сурхон зиёлилари минбари”, “Ўтмишимиз дафтарлари”, “Ҳаёт ва хаёл” номли тўпламлари нашр этилади. Шунингдек, сурхонлик Чоршанба бахши Раҳматуллаев ижросидаги “Ёдоғ”, “Шоҳ Шайх Мардон” дostonларини ёзиб олиб, уни китоб ҳолида чоп эттирди.

Узоқ йиллар Сурхон зиёлиларининг наشري “Маънавият гулшани” газетасида муҳаррирлик қилган сўзида собит, аҳдида қатъий Норкуват Тўраев нафақат журналист, балки Ангор туман Кенгаши депутати сифатида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда.

Янгиликка интилувчан, сўзи ва қалами билан барчага ибрат бўлиб келаётган халқ таълими аълочили кўкрак нишонини соҳибини, устоз журналист матбуот ва таълим соҳасидаги узоқ йиллик фаолияти эвазига давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, 2013 йили “Дўстлик” ордени билан мукофотланган.

Тадбир сўнггида Н.Тўраев ташкилотчиларга ва адабий кеча иштирокчиларига ўзининг миннатдорчилигини билдирди.

ЧЎЛПОН ИЗДОШЛАРИ

1897 йилда Андижон шаҳрининг Қатортерак маҳалласида дунёга келган Абдулҳамид Чўлпон XX аср ўзбек адабиётининг энг машҳур намоёндаларидан эди. Шубҳасиз, унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти жадид адабиётининг энг ёрқин саҳифаларидан биридир.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Андижон вилояти бўлими ва Абдулҳамид Чўлпон жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган “Биз Чўлпон издошларимиз” мавзусидаги адабий семинар улуг адиб Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланди.

Тадбирда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, уюшма аъзолари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, кенг жамоатчилик, ёш ижодкорлар иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Андижон вилояти бўлими бош мутахассиси З.Қодиров “Миллий контент тайёрлашда жадид боболаримизнинг маънавий меросидан фойдаланиш — долзарб масала” мавзусида маъруза қилди. Шундан сўнг уюшма аъзолари Т.Сиддиқ ва У.Эгамбердиевалар “Ёшларнинг маънавий юксалишида жадид адабиётининг ўрни” ва “Жадид журналистикасининг тараққиёти” мавзуларида сўз юритишди.

– Ўзбек матбуоти тарихида жадид зиёлилари нашр қилган газета ва журналларнинг салмоғи ва ўрни юқори бўлган, – деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, фахрий журналист Тўлқин Сиддиқ. – Уларнинг олдида қўйган мақсадлари ниҳоятда улуг, ниятлари эзгу, қарашлари аниқ ва тиниқ эди. Улар миллатни уйғотишдек улкан вазифа ижросига бел боғланган эдилар. Жадидлар мактаби, маорифи, театри, адабиёти ва матбуоти — катта дастур. Биз бугун усиб-уғлайиб келаётган ёшларга матбуотимизни, журналистикамиз тарихини ўргатишдан бошлашимиз керак.

Тадбир якунида барча иштирокчиларга ҳамкорларнинг махсус сертификатлари ва эсдалик совғалари топширилди.

ФАХРИЙЛАРГА УЮШМАНИНГ АЪЗОЛИК ГУВОҲНОМАСИ ВА НИШОНИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолари сафи ўз касбига меҳр қўйган, ҳар жиҳатдан билимли, фидойи ва жонқуяр журналистлар ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда. Яқинда Нукусда бир гуруҳ қорақалпоғистонлик фахрийларга Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг янги намунадаги аъзолик гувохномаси ва нишони топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими раиси Даўит Абибуллаев сўзга чиқиб, уюшма ва унинг ҳудудий бўлими томонидан журналистика соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган, айни пайтда фаолиятини давом эттираётган ҳамда кексалик гаштини сураётган, кўп йиллик тажрибага эга устоз ижодкорлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида батафсил тўхталиди.

– Бугунги аъзолик гувохномасини олаётганлар кўп йиллик тажрибага эга фахрий журналистлар саналади. Машаққатли, шу билан бирга шарофат касбнинг пасту баландини мардонвор босиб ўтган ана шундай устоз журналистнинг меҳнатлари ва хизматлари ёш журналистларга ибрат мактабидир, – деди Даўит Абибуллаев.

Шундай қилиб, бир гуруҳ қорақалпоғистонлик фахрий ижодкорларга Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг янги намунадаги аъзолик гувохномаси ва нишони топширилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

АҚЛЛИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

1-6. Ўзбекистон делегацияси таркибида Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети ҳам фаол қатнашди. Университет ректори, профессор Расул Тўраев мазкур конференцияда “Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида машинасозлик ва қишлоқ хўжалиги соҳалари учун олий малакали кадрлар тайёрлаш истиқболлари” мавзусида маъруза қилди. Унда агроиқтисодий салоҳият, маҳаллий ишлаб чиқариш манфаатларига мос таълим тизимини шакллантириш, дуал таълим моделларини амалиётга таътиқ этиш ва халқаро тажрибаларни локаллаштириш борасида муҳим тақлифлар илгари сурилди. Маъруза иштирокчилар томонидан қизиқиб билан қарши олинди.

– Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети делегациясининг ушбу нуфузли анжумандаги иштироки нафақат тажриба алмашиш, балки замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сафар доирасида Шихэци университети ва қишлоқ хўжалиги ускуналарини ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялар билан амалий музокаралар ўтказди. Унда олий малакали муҳандис-кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида академик алмашинуви йўлга қўйиш ҳамда инновацион стартаплар учун ҳамкорлик шароитларини яратиш бўйича келишувларга эришилди. Хитойдаги агротехник университетлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик лойиҳалари келгусида кадрлар сифатини ошириш, таълим, фан ва sanoatни чамбарчас боғлашга хизмат қилади, – деди профессор Расул Тўраев.

Сафар давомида ТерДМАУ делегацияси Шихэци университети раҳбарияти, Хитой қишлоқ хўжалиги



ускуналарини ишлаб чиқарувчи компаниялари ва соҳавий ташкилотлар билан қатор учрашувлар ўтказди. Музокараларда икки томонлама илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун малака ошириш курсларини ташкил этиш, аграр соҳадаги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, стартап ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва академик алмашинув дастурларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Ушбу учрашувлар натижасида ТерДМАУ ва Шихэци универ-

ситети ўртасида стратегик ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бу ҳужжат икки олийгоҳ ўртасида билим ва тажриба алмашишни тизимли ташкил этиш ҳамда олий таълим ва илмий салоҳиятни интеграциялаштириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Шихэци университети Хитойнинг гарбий шимолда жойлашган, кўп тармоқли ва стратегик аҳамиятга эга олий таълим муассасасидир. У “Project 211” ва “Double First-Class” каби давлат дастурлари доирасида ривожлантирилаётган университетлардан бири бўлиб, аграр, муҳандислик, тиббиёт ва биотехнология соҳаларида илмий марказ сифатида етук тажрибага эга. Университет ҳолида 3 та миллий лаборатория, 30 дан зиёд илмий марказ ва “Science & Technology Park” инновацион технопарки фаолият юритади. Илмий тадқиқотлар, стартап лойиҳалар ва технология трансфери орқали унинг инновацион салоҳияти тижоратлаштирилади. Қўроқчиликка чидамли экинлар, биологик ўғитлар, агро-дронлар ва рақамли мониторинг каби ишланмалар амалий жиҳатдан фойдаланишга жорий этилмоқда.

ISAED-2025 анжуманидаги иштирок ТерДМАУ учун илмий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, инновацион технологияларни жалб қилиш, ёш тадқиқотчиларни халқаро майдонга олиб чиқиш ва таълим-ишлаб чиқариш ўртасида самарали интеграцияни таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Хитойнинг илгор агротехнологиялари ва илмий тижоратлаштириш борасидаги тажрибаси Ўзбекистонда аграр соҳани ривожлантириш ва таълимни модернизация қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Хумоюн НИЗОМИДДИНОВ, “Hurriyat” мухбири.



МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Бугунги глобаллашув жараёнилари ҳар бир ташкилотдан фақат молиявий самарадорликни эмас, балки инсон капиталига инвестиция киритишни ҳам талаб қилмоқда.



Бу ҳақда куни кеча Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида сўз юритилди.

ЭЪТИРОФ

ХАЛҚ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН СУХАНДОН

Ўрта авлод вакилларига яхши таниш бўлган Дилором Умарова Ўзбекистон телевидениеси тарихида муҳим из қолдирган суҳандонлардан бири.



Фаргона вилоятининг Бағдод туманида зиёли оилада дунёга келган қаҳрамонимизнинг дадаси туман автокорхонаси раҳбари Қўчқорали Умаров, онаси мактабда рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ойнисаҳон Умарованинг фарзандлари орасида қизи Дилоромни ҳеч қимликка ўхшамаган тақдир қутаётган.

Дилором Тошкент маданий-оқартув техникумининг режиссёрлик бўлимига ўқишга кириди. Ўқув даргоҳида Ўзбекистон телевидениесининг режиссёри Саъдулла Аноркулов ва машур драматург Хайитмат Расулдан сценарий ёзиш ва режиссёрлик маҳоратидан сабоқ олarkan, улар сабаб телевидениенинг адабий қўрутқувлар тахририяти томонидан тайёрланган "Шеърят бўстони" кўрсатувига жонли эфирда шеър ўқиш учун таклиф этилади.

"Талабалик йилларининг илк даври мен учун оғир жуздорлик билан бошланди, — деб эслади у. — Хасталик туфайли дадажоним вафот этди. Биз фарзандларнинг ютуғимизга севишиб, ўқимиз, билим олишимиз учун неки имкон бор бўлса яратиб, қўллаб-қувватлардилар. Ҳар биримизнинг орзу-мақсадларимиз, келажак режаларимиз билан қизиқар, уларнинг рўёби учун биринчи қадамни улар ташларди. Сира тўхтаб қолмаслигимизни, ортида доим куч-қувват бўлиб ўзлари туришини таъкидлардилар. Шундай суякч тоғимдан айрилиш мен учун катта йўқотиш бўлди."

Мақтабда рус тилида таҳсил олган Дилором билим юртида режиссёрлик курсини ўзбек тилида ўқиди. Ўқув юрти раҳбари: "Қизим, хавотир олма, биз сизга энгиллик яратамиз, биринчи йил рус тилида жавоб берасиз. Иккинчи ва учинчи босқичда эса ўзбек тилида, — дея унга имкон беришди. Маърузаларни ўзбек тилида тинглаб, рус тилида жавоб берар, бу эса икки тилни ҳам мукамал ўрганишига ёрдам берарди.

Ўқиш даврида тадбирларда саҳнада бошловчи бўлган Дилоромга кўплар ҳавас қиларди. Бир қал талабалар томонидан тайёрланган адабий композицияни кўришга Ўзбекистон телевидениеси адабий-

драматик тахририяти режиссёри Наби Раззоқов ва журналист Марат Асадуллаевлар келишди. Адабий композиция намойишидан сўнг улар тадбир бошловчисига Ўзбекистон телевидениесига суҳандонлар танлови ўтказиладигани, унда ўзини синаб кўриши мумкинлигини айтиб, уни танловга таклиф қилишди.

Дилором Умарова танловдан муваффақиятли ўтиб, Ўзбекистон телевидениесига ишга қабул қилинган, ушбу хушхабарни илк бор онажонига етказди. Онаси фарзанди аржумандини узоқ дуо қилди. Аммо секин узоққа бормасди. Оғир даргда чалинган Ойниса опа қизини эфирда уч ойгина кўрди. Онасининг вафотидан каттиқ қайғуда қолган, унга устози Ўқтам Жобиров отасидек меҳр кўрсатди. Ёлғиз қолиб, тушқунликка тушмасин, деб, уни ҳар куни эфирга кўярди. Уни оғир кунларида иш билан банд қилиб, қайғуни унуттишга ёрдам берганди.

Дилоромнинг телевидениедаги биринчи устози Ўқтам Жобиров эди. Гуруҳ раҳбари бўлган бу инсон ўша даврда ишга келган ёшларнинг барчасига устоз бўлган. Устозлар эфир масъулияти, матн ўқиш, кўрсатувларни олиб бориш, камтарликни, одамийликни ҳам ўргатганлар. Яна улар кўп китоб ўқишни маслаҳат берар, муомалада эҳтиёткор ва ҳушёр бўлишни тайинлардилар. Бу борада ўзлари доим намуна бўлишарди. Камтаринлик — устозлар мактабининг асосий талаби эди.

"Мен телевидениега ишга келганимда ўн бешинчи суҳандон эдим, — дея ўша йилларни хотирлади қаҳрамонимиз. — У

пайтлар дикторларга талаб жудаям юқори бўлган. Устозларимизнинг кийинишлари, ўзларини туттишлари, эфир маданияти ва этикасини андоза қилиб олардим. Шу тариқа йиллар ўтиб, ўз имижимга эга бўлдим. Эфирга қиядиган либосларимни ўзим тиккардим. Ҳар бир кўрсатув мазмунидан келиб чиқиб, либос танлардим. "Ахборот" дастурига костюм, саҳнага узун этакли кўйлақлар. Имиж — касбимизда муҳим. Уни шакллантириш ҳар бир бошловчининг ўзига ҳавола, муҳими, эфир талабларига мос бўлиши керак.

Касбимизнинг кийин жиҳати — бу нафақат экранда, балки кўча-кўйда, маҳаллада томошабинларимиз назарида бўлишидир. Оилада биз она, аёл, оддий уй бекаси эдик.

Зухриддин Дилором Умаровани телеэкран орқали ёқтириб қолади. Совчиликка борган бўлгуси қайнона ҳамкасбларидан илқ фикр эшитилади. Икки ёшнинг толеи қўшилиб, тўй ҳам ўтади. Ўзига оро бериб юрган қиз келинлик вазифаларини ҳам бинойидек удалади. Дилором бичиш-тиқишнинг ҳадисини олган. Уй-рўзгор юмушларига саранжом-сарошта. Бўш вақтларида эса китоб мутолааси билан машгул бўларди.

Қизлари Севараҳон ва Элнораҳонлар илм йўлидан кетдилар. Бугун ҳар иккиси ҳам бир этак болаларнинг оналари бўлиб, бахтли ҳаёт кечирмоқда. Афсуски, бу кунларни кўриш дадаларига насиб этмади.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, "Меҳнат шўхрати" ордени соҳибаси, олий тоифали суҳандон Дилором Умарова "Ахборот" дастури, байрам концертлари, кўнгличор кўрсатувлар, турли давлат тадбирларида суҳандонлик қилди. 2009 йилда "Энг яхши диктор" эътирофига сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъат ходимлари гильдияси аъзоси.

"Мультипранорама", "Оналар мактаби", "Қизлар гўлдастаси", "Нафосат", "Қамолот силри", "Яшанба оқшомида" сингари кўрсатувларга бошловчилик қилган Дилором Умарова ўзининг меҳнати, изланишлари билан муваффақиятларга эришди. Ширали овози, очик чеҳраси ҳаммага ёқди. "Олтин фонд"га киритилган кўрсатувлар, "Ўзқинохроника", "Ўзбектеlevision"даги унинг овози ёзилган ўнлаб кинофильмлар унинг иходий жараён ва изланишлари менависидир.

Ўз даврининг юлдузи бўлган, бугун устозлик мақомидаги дилбар аёл Дилором Умарова яна узоқ йиллар ҳаётларимиз зарварларига нур сочиб турсин деймиш.

Феруза ОРНПОВА, Ўзбекистон Журналистлар уюмчаси аъзоси.

КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Бугунги кунда ҳар бир соҳада илгор тажрибаларни қўллаш, рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматлар яратиш учун билимли ва салоҳиятли мутахассислар керак".



Энди ходимнинг даромади унинг меҳнат самараси, яъни аниқ белгиланган "КРП" кўрсаткичлари орқали баҳоланади. Бу эса фаолиятда очиклик, ҳисобдорлик ва натижавийликни таъминлашга хизмат қилади.

Ходимларни ўқитиш йўналишида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда 6198 нафар ходим маҳаллий тренингларида қатнашган бўлса, 168 нафар мутахассис хорижий мамлакатларда ўз малакасини ошириш имкониятига эга бўлди.

Банкда фақатгина иш жараёни эмас, балки инсоний муносабатлар, маданият ва жамоавий муҳитни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. "БРБ ёш иқтидорлари", "Директор билан бир кун", "Заковат", "Book Challenge", "Нафис аёллар клуби" каби лойиҳалар ходимларнинг шахсий ривожланиши, ўзлар мулоқоти ва хайрихоҳлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, ҳар бир ходимнинг таклиф ва муаммолари эшитилиши учун "BRB Voice Bot" платформаси ишга туширилди — бу банкда инсон омили, унинг овози кадрларининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Мухтасар қилиб айтганда, Янги Ўзбекистонда ҳар қандай соҳада юзага келаётган ўзгаришларнинг марказида инсон, унинг манфаати, ҳуқуқи ва имкониятлари турибди. "Бизнесни ривожлантириш банки" томонидан амалга оширилган ишловчи раҳбарнинг яна бир тасдиғидир. Бу банк фаолиятида юксак натижаларга эришиш — фақатгина молиявий кўрсаткичлар билан эмас, балки инсон салоҳиятини юксалтириш билан боғлиқ эканини аққол намоён этмоқда.

Ислом АСИПБЕКОВ. Реклама ҳуқуқи асосида.

МУЛОҲАЗА

Инсоният тарихидаги туб бурилишлар даврида яшаймиз. Электр токи, интернет, мобил алоқа қандай инқилоб бўлган бўлса — сунъий интеллект ҳам замонамизнинг шундай улкан силжиси. Аммо бу технология ҳақида ҳали саволлар кўп, тасаввур кам.

Сунъий интеллект нима? У бизни ўзгартиради, бошқаради? Бу янгилик хавфми ёки имконият?

Сўхбатдошимиз — Ўзбекистон Республикаси Нодавлат таълим муассасалари ассоциацияси Фарғона водийси бошқарма бошлиғи Муҳаммад Элёр Йўлдошев.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ИНҚИЛОБИЙ КУЧМИ?

Ёки у хавф-хатарми, имкониятми?



ропа — ҳар бири бу пайгада олдинда бўлишга интилоқда. Чунки СИ бу — иқтисод, сивасат ва ҳатто мудофаа кучидир. Ким бу технологияни эгалласа, эртанги кунни бошқаради. Дастурий таъминотдан тортиб — мудофаа тизимига, банк тизимидан — таълимгача, қўйинг-чи, ҳамма жойда СИ бўлиши керак. Бу пайгада орқада қолиш — иқтисодий ва маданий мустақилликни йўқотиш билан баробар. СИ бугун — замонавий қўроқ, куч ва устунлиқдир.

— Демак, сизнингча биз сунъий интеллектни астойдил ўрганишимиз, амалиётга жорий этишимиз керак. Агар бу янгиликни чуқур ўрганмасак, ўзлаштирсак...

— Оқибати жуда оғир бўлади. Биринчи навбатда, биз истеъмолчи жамиятга айланишимиз. Ҳозир яратилган технологияни бошқарар бизга сотади ва биз унга қарам бўламиз. Инсон капитални эскиради, ёшларимиз ишсиз қолади. Иқтисодий мустақиллик заифлашади. Ҳар қандай хорижий технология бизнинг иқтисодий тизимимизга таъсир қилади. Бундай жамият пассив, тақдирча ва вақт ўтиши билан йўналишсиз қолади. СИни ўзлаштирмаган давлат асрни бой берган давлатга айланади.

қада қолади, бир вақтда бошқаларнинг технологик колониясига айланади. Тарих мисолида айтсак, индустриал инқилобни ўзлаштирмаган халқлар қандай ортада қолган бўлса, сунъий интеллектни вақтида ўзлаштирмаган эл ҳам таназзулга юз тутари. Соғлиқни сақлашда кеч қолади, таълимда ютқазди, сановатда самарасизликдан азоб чекади. Энг хавфлиси — мустақил фикрни йўқотиш. Агар биз ўз СИ моделлигимизни яратмасак, бошқалар биз учун қарор қабул қилади.

— СИ технологиялари ҳозирда таълим тизимига қандай кириб келмоқда, бу борадаги интилоқлар етарлими?

— Ҳозир бу жараён бизда фақат бошланғич босқичда. Баъзи мактаблар сунъий интеллект ёрдамида баҳолаш, тил ўрганиш, шахсий ўқув йўналишини белгилашда фойдаланмоқда. Аммо бу етарли эмас. Ҳали кўп ўқитувчиларимиз бу технологияни ўзлаштиришмаган, инфраструктурамиз эса бу даражада ҳали тўлиқ етмаган. Бизга СИ-лаблар, СИ-саводхонлик дарслари, СИ билан ишлаш бўйича малакали педагоглар керак. СИ таълимда ўқитувчи ўрнини эгалламайди, унинг имкониятини кенгайтиради. Биз ўқувчиларни робот қилмаслигимиз, балки уларни роботдан ақилроқ қилишимиз керак.

учун қандай дарслар, муҳит ва имкониятлар яратиш зарур?

— Аввало, бу ёшларнинг қизиқишини уйғотишдан бошланади. Сунъий интеллектни фақат кодлаш эмас, балки ижод, дизайн, муаммо ечиш сифатида кўрсатиш керак. Мактабларда СИ лабораториялари, СИ мусобақалари, лойиҳа асосидаги дарслар жорий этилиши зарур. Ҳар бир бола алгоритмни тушунамаса ҳам, сунъий интеллект билан ишлаш маданиятини ўзлаштириши шарт.

— Сунъий интеллект ривожланиши билан иш ўринлари ва айрим касблар йўқолади, дедингиз. Бу янгилик тушуна эмасми?

— Йўқ, классик, тақорланувчи касблар — масалан, бухгалтер, оператор, таржимон, ҳатто баъзи шифокорлик йўналишлари автоматлаштирилади. Бунинг ўрнига янги касблар пайдо бўлади: СИ муҳандиси, Дата этикаси мутахассиси, робот менежер, виртуал дунё дизайнери, СИ-терапевт ва бошқалар. Касбга қараб эмас, муаммога қараб таълим олиш даври бошланади. Шахсий бренд, кўникма, креативлик ва сунъий интеллект билан ишлаш қобилияти — булар янги даврнинг меҳнат вижаси бўлади. Биз касб номини эмас, функциясини ўзгартиришга тайёр бўлишимиз керак.

— Сунъий интеллект инсоният ахлоқи ва қадриятларига таъдид соймайдими?

— Бу энг долзарб саволлардан бири. СИнинг ахлоқийлиги — уни яратган одамларнинг ниятига боғлиқ. Бугун бизга керак бўлган нарса — СИ этикаси. Ёлгон хабарлар, юзани таниш, сохта видеолар — булар СИ орқали манипуляция қилинадиган хавфли жиҳатлар. Шунинг учун СИни ўргатишдан аввал уни бошқаришни ўргатиш лозим. Ахлоқий технологияга эмас, технологияни ахлоққа хизмат қилдиришимиз шарт. Этика — келажак алгоритмларининг юраги бўлиши керак.



— Сунъий интеллект ва миллий хавфсизлик: бу технологиянинг қудрати бизни ҳимоя қилади ёки хавфга қўядими?

— СИ технологиясининг қудрати — икки қиррали қилгичга ўхшайди. Агар биз уни ўзимиз ишлаб чиқсак, у бизни ҳимоя қилади. Аммо бошқалар ишлаб чиқарган СИга тўлиқ боғлиқ бўлсак, бу технология бизни назорат қилиш воситасига айланиши мумкин. СИ орқали интернет трафиғимиз, фикрларимиз, ҳатто юзимиз ва овозимиз ҳам мониторинг остида бўлади. Миллий хавфсизлик эндиликда нафақат ҳарбий қудратга эга бўлиш, балки рақамли мустақиллик, алгоритмик суверенитет ҳамдир. Ҳозирнинг сунъий интеллект платформасига эга бўлмаган давлат — бошқа давлатлар СИлари томонидан бошқарилади. Демак, СИ нафақат иқтисод, балки миллий ҳимоя воситаси ҳамдир.

— Сизнингча, келажакда бўлган энг катта умидимиз нима?

— Келажакда бўлган энг катта умидимиз — бу фикрлай оладиган, яратишга интиладиган, ўз халқини сеувчи ёшлар. Технология фақат восита. Унинг бошида эса қалб, эътиқод ва йимон туриши керак. Агар сунъий интеллектни инсоний қалб билан бошқарсак, биз нафақат кучли давлат, балки эзгу жамият қураимиз. Ва бу орзулар бугун бошлангани керак. Чунки келажак — аллақачон шу ерда.

— Мазмунли суҳбат учун катта раҳмат.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ суҳбатлашди.

✓ **ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН**

ОЛТИН ЗАНГЛАМАС

ёхуд Олмалик кончилари даврасида бир кун

Икки ёшга қираётган набирам Самияга دادаси бир неча мисқол тилласи бор сирга совға қилибди. Жажжи бармоқчалари билан сиргани ушлаб “дода таққа”, “дода таққа” деб хурсанд бўлганини кўрсангиз! Болажонларнинг ҳам кўзини қувонтирадиган, хотин-қизларимизнинг оромини ўғирлайдиган олтин қандай дунёга келиши ҳақида улуг ўшда бўлсам ҳам шу пайтгача ҳечам ўйламаган эканман...

Хизмат тақозосига кўра яқинда Олмалик кон-металлургия комбинати акциядорлик жамиятининг кон, завод ва фабрикаларида бўлиб, ер ҳақиридан маъданлар қандай қазиб олиниши-ю, уларнинг қандай усулда ажратиб олиниши жараёни билан танишиш насиб этди. Замин бағридан ажратиб олинаётган хомашё санқозсиз чиғирқлардан ўтиб, олтин-мис бўлгунча бир минг уч юз даражадан юқори оташларда, оташ бўлганда ҳам қуёш янглиғ оловларда эриб-эриб товланар экан.

Сўҳбат чоғи эътиборимни пахлавон келбатли жилмайиб турган йигит тортиди. У тегириқмонлар машинисти Исом Ҳайдаров экан.
— Ёш мутахассис экансиз, уйланганмисиз? — дея сўрадим ундан.
— Насиб этса, кузда тўй қилишмоқчи.
— Келин бўлмиш аниқдир?
— Худо хоҳласа, топилиб қолар, уйдагилар ҳаракат қилишяпти.
— Иболи, ҳаёли, ота-онанинг дуосини олган қиз насиб қилсин, — деб унга самимий тилак билдирдим.
— Ушандай бўлса, келин турмуш ўртоғининг ҳам, қайнона-қайнонанининг ҳам қадрига етади-да! Айтасиз, насиб этса, тўйингизга гулаам кўтариб келамиз.
— Ҳофизимиз ҳам ўзимиздан,
— деди фабрика хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси Малоҳат Достова. — Ёнғин хавфсизлиги муҳандиси Бекмирза Жанбековнинг ширали овози бор, тўйни ҳам қиздиради.



Ёдингизда бўлса, “Hurriyat” газетасининг 2025 йил 9 июль сониди “Туғроғи зар, маъданим маним” сарлавҳали мақолада “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдулла Хурсановнинг фазилатлари, раҳбарлик салоҳияти ҳамда жамоада кўлга киритилган улкан зафарлар ҳақида хикоя қилгандик. Мамлакатимизда катта салоҳиятга эга катта корхона раҳбари билан сўҳбатлашиш жараёнида у кишининг таъсиси билан комбинат заводлари ва фабрикалари жамоалари вакиллари билан ижодий мулоқотлар ўтказгандик. Қуйида ана шу таассуротлар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар билан учрашувларда бизга ҳамроҳлик қилган, даврга қайноқ руҳ қиритган комбинат вакиллари ҳақида қайд этишни вожиб деб билдим. ОКМК акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва давлат тили тўғрисида қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича маслаҳатчиси Камола Умаралиева ушбу катта даргоҳда фаолият кўрсатиб келаётган ишдор бўлиши билан бирга, комбинат ўрнини чуқур билдирган, журналист аҳлига ҳурмат-эътибори баланд ва яна энг муҳими, маънавияти аёл экан. Ижодий учрашув жараёнида ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг Камола Умаралиева билан ўзроқ муносабатларидан сезилиб турибдики, у жамоа орасида обрў-эътибор топан, муомала маданияти ва камтаринлиги билан ҳурматга сазовор бўлган мутахассис экан.

Сўҳбатларнинг хайрлиси ота-оналар ҳақидагисидир. Афсус, замона зайли билан интернет орқали “Ғарб маданияти” шиддат билан қириб келиб, кўлаб навқирон ёшларимизнинг ахлоқ-одоби, исломий ҳаёт тарзи, маънавияти заҳарланди, эътиқодлари сустлашди. Узоқ авлодларимиздан мерос бўлиб келаётган ота-оталарга ҳурмат борасидаги муқаддас аъёнларнинг давомийлиги ҳавф остида қолди. Хайриятки, она деса, ота деса меҳрдан, муҳаббатдан қалбини титроқ босадиган фарзандлар бор.

Малоҳат Достова ота ҳақида шеър ўқиганида, рўпарамизда у меҳри дарёдек тошқин, нигоҳлари тиниқ, ота-она дуосини олган саодатли фарзанд бўлиб гавдаланди:

Эголмас бошимни синовлар,
Шерикмас юрагим аламга.
Мен учун ўрнакмас бировлар,
Дадамга ўхшайман, дадамга.

Омадни қидирсам, ёнда бор,
Шижоат, дадиллик жонда бор.
Қонда бор, биродар, қонда бор,
Дадамга ўхшайман, дадамга.

Менда бир яхшилик сўрангиз,
“Ким экан бу?” дея сўрангиз,
Айтайми билмоқчи бўлсангиз,
Дадамга ўхшайман, дадамга!

Бундай таъсирли шеърни тинглаганлар беихтиёр гулдурс қарсақлар билан олқишлашди.

У ҳаётий ҳикоясини ҳам айтиб берди:

— Онам қорамағиздан келган, қошқуллари тим қора аёл. Кунлардан бир кунни кўлидаги оппоққина, кўзлари кўмқўк чақалоги билан автобусга чиқади. Ногоҳонда чақалоққа кўзи тушган киши онамга қараб: “Синглим, мабодо шу болачанинг дадасининг исми Ортиққой эмасми?” деб сўрайди. У дадам билан Россия ўлкаларида армияда бирга хизмат қилган дўсти бўлиб чиқади. Хизматдоши дўстининг қизини кўздан ўхшатиб топшиб олишади. Улар ҳозиргача борди-келди қилиб туришади.



Шунақа, кўзим ҳам, ўзим ҳам дадамга ўхшайман, дадамга!
— Шеърни ўзингиз ёзганмисиз?
— Йўқ, лекин инстаграмда ўқиб ёлди олгандим...
— Исомбекнинг тўйида шу шеърни қуйга солиб, қўшиқ қилиб айтиб берасиз-а! — дейман Бекмирзага юзланиб.
— Клип қилса ҳам гузал чиқади-да!
Ижодий учрашувимиз кекса нуронийларнинг, ота-онанинг, қайнона-қайнонанинг хизматларини қилиб дуоларини олишга эришган ёшлар мавзуси билан қизиқ кетди.

Чап томонимиздаги қаторда ўтирган ёши ўттизга етиб-етмаган синглимиз сўз сўради.
— Айтганларингиздан жудаям таъсирланиб кетдим, — деди ўзини тегириқмонлар машинисти деб таништирган Малика Бегминова.

У бахтиёр оиласидан фахрланишини ҳаяжонланиб гапирди. Қайнона-қайнонани ўзининг ота-онасидек кўриб, чин дилдан ҳурмат қилгани боис, бахт-фароғат топангани, уларнинг дуолари тўғрисида оиласига барака кирганини, турмуш ўртоғининг меҳрига эришганини айтиб берди.

— Исмнигиз жисмингизга монанд келибди, бахтиёр оилангизнинг ҳақиқий маликаси бўлибсиз!
Сўзларини тинглаб, Маликанинг кўзлари қувончан ёнди. Даврада ўтирганлар ҳам унга ҳавас билан боқишди. Маликалар бор бўлсин, бахтиёр оила бахтига, илоҳо, кўз тегмасин!

3-Мисни бойитиш фабрикасига қираверишда бизни бош инженер Исомжон Умаралиев кутиб олди. Фабрика худудига кириш учун махсус текширувлардан ўтишга тўғри келди. Бу тартиб тушунарли, албатта. Фабрика маъмурий биносига қараб кетаверишда атрофдаги манзара файзу таровати кўзимизни қувонтирди. Ҳар қадамга гуллар, гулзорлар.

Ижодий мулоқотимиз бошланишидан аввал фабрика директори Бахтиёр Вақосов билан учрашдик. У бизни нафақат газета журналисти, балки уйига келган азиз меҳмондек самимият билан кутиб олди. Келгусида ҳам узаро ҳамкорликни давом эттиришга аҳдлашдик олдик.

Мажлислар зали ихлосандлар билан тўлган. Йиғилганлар нигоҳини мажлисонга тўрида ўтирганлардан узмайди. Ҳамроҳимиз Камола Умаралиева йиғилганларга бизни таништириб, маънавий-маърифий сўхбатга келганимизни билдирди.

Аввалдан режалаштирилган учрашув бўлмагани боис, йиғилганлардан сўхбатни нима ҳақда бошлашни сўрадим. Залнинг чап томонда ўтирган йигит “ҳалоллик ҳақида” деган таклифни берди.



натта раҳбарлик қилаётгандир.

Оғир-вазмин ўтиришдан, ёши улғулигидан пайқадимки, яқинроғимиздаги киши тажрибали мутахассис бўлса керак. У кишини сўхбатга тортидим. Адашмабман. Маҳмуджон ака Холмуродов сульфат корхонасининг қиспота ишлаб чиқариш чеҳида участка устаси бўлиб ишлар экан.

— Тажрибали мутахассисга ўхшайсиз, пенсияда бўлсангиз керак-а? — дея уни гурунга чорладик.

— Ёшим олтимиз тўртда, — деди Маҳмуджон ака. — Пенсияга чиқсам ҳам ҳалиям ишимни давом эттиряман.

Сульфат қиспота ишлаб чиқариш чеҳи бошлиқидан олинган маълумотга қараганда, Маҳмуджон Холмуродов қирқ етти йилдан бери комбинатда ишлар экан. Ун сажжи ёшида марказий таъмирлаш техника заводиға токар бўлиб ишга кирган. Ундан ортиқ шоғирларини ҳам тажрибали мутахассис бўлиб комбинатда танилибди.

— Умрингиздан, ризкингиздан барака топан инсон экансиз, — дедим унга. — Яхши ният билан бир кўзюк боғлаб қўйинг, бир йилдан кўчор бўлади. Шу даврада ўтирганларга бир дастурхон ёзасиз. Келгуси йили октябрь ойида олтимиз беши ёшнингизда шўқрона кунингизда Олмаликқа келиб, алоҳида табриқлаб кетамиз. Сиз ҳақингизда газетамизга мақола ёзасиз, насиб этса...

Давраимиз бир жонланиб олди. Яхши ният — ярим давлат. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Таклифимизни қаторимизда ўтирган фабрика бош инженери Исомжон Умаралиев ҳам кўллаб-қувватлади.

Этакроқдаги ёш ишчилардан бири эса устозларига ҳавас қилиб ўтирганини айтиб, улар сингари уста мутахассис бўлиш ниятини билдирди. Яна бир ишчи хонадонларимиз фаришталари бўлган қарилар ҳақидаги ибратли ҳикоямиздан ҳикमत олди, шекилли, “Ҳозир шу жойдан қичибқў тўғри саксондан ошган бувими кўрган, дуосини олгани бораман”, деди...

Инсон юрагини титратадиган, одам-



— Ҳалол луқма ёмоқлик, ҳалол гапирмоқлик, ҳалол жуфт бўлмоқлик инсоний фазилатларнинг энг гузалларидандир, — дедим дилимга келганларини айтар эканман. — Ота-бобларимиз, она-момоларимиз, аввало, ҳалол бўлишни уқтириб келганлар. Бугун жудаям бахтим кулган кун экан, сиздайн қасбидан ҳалол ризқ топаётган фидойи инсонлар билан бир даврадаман. Ҳалол меҳнатдан ҳориб ухлаган инсоннинг уйқуси ҳам ибодатдек гап дейишади. Ҳалол яшаш лаззатини фақат ҳалол яшаётганлар билади. Бу фақат Аллоҳнинг суюкли бандаларигагина насиб этадиган неъмат. Уларнинг сиз биласизларми-билмайсизларми, сиз азизларга ҳамма ҳавас қилади. Негаки, “Олмалик кон-металлургия комбинати”да ишлашни хоҳлаганларнинг барчасига ҳам насиб қилавермайди. Яна бир бахтингиз, бугунги кунда адолат билан иш юротадиган, ҳалол ишлайдиган мутахассисларни қадрлайдиган, соҳа сир-синоатларини яхши билладиган, мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиёти йўлида фидойи мутахассис Абдулла Хурсановдек инсон комби-

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

✓ **ХОРИЖ**

Фаластинни кўплаб давлатлар тан олиб, шу йўл билан Исроилни жазоламоқ истаётди. Яқинларгача партиядошлари, ҳукумат аъзолари ва ТИВ Буюк Британия бош вазираи Кир Стармердан Фаластин эътирофини талаб қилиб чиққан эди. У эса шомасди, аслида аксилсемитизм айбловидан чўчир ҳамда бош иттифоқчилари – АҚШ ва Исроил билан муносабатларининг бузилишидан хавотирда эди. Кеча эса:

— Биз очликдан ўлаётган гўдақларни, оёққа туришга жуда заиф болаларни кўряпмиз – бу тасвирлар бир умрга муҳрланди, – деб баёнот берди.

Макроннинг сентябрда БМТ Бада Фаластинни тан олиш ташаббусига Лондон ҳам қўшилди.

ҚАРАШЛАР ЎЗГАРМОҚДА

Туркия йирик давлатларни бу ташаббусга қўшилишга тинмай даъват қилиб келмоқда. Эрдоган Франция етакчисига ушбу таклифи учун миннатдорлик билдирди.

“Минтақада мустаҳкам тинчлик яратиш учун икки давлат тузилмоғи шарт!”

Бугун Фаластинни 140дан зиёд давлат эътироф этган. Бошқа Ғарб мамлакатлари ҳам аста бу ташаббусга эргашмоқда.

Июль ойи охирида Фаластин масаласи бўйича Франция ва Сау-

дир эса у қўйилган мақсадга терс тушиши эҳтимоли катта”, деди.

Океанортдан Марко Рубио “тинчлик жараёни бузадиган, ўйламай чиқарилган қарор”, деганди.

Нетаньяху эса Исроилни йўқ қилишга қаратилган таклиф, дея элчисини Франциядан қақриб олганди.

Гуманитар инқироз, қатлиомнинг ортиши, қочқоқлар лагерлари, чегара худудларини ўққа тутиш афкор омманинг ғазабини оширмоқда. ЕИ бош дипломати Кая Каллас Исроилни жазолашга қатъий чоралар



дия Арабистони томонидан ташкил этилган БМТ конференцияси ишида Канада, Австралия, Янги Зеландия, Мальта, Испания, Португалия, Финляндия сингари 15 давлат ТИВ раҳбарлари Исроил-Фаластин инқирозининг “икки давлат тузиш” қарорини кўллаб қўшма декларация қабул қилди.

Италия эса Фаластинга қарши. Мелони хоним бу воқеа давлат ташкил этилганч қўй бериши мумкин, ҳо-

қўришга қақирган. Британия Тель-Авив билан эркин савдо зонаси тўғрисидаги музокараларини тўхтатган.

ЕИнинг 17 аъзоси Исроил билан муносабатларни музлатиш тарафдорини. Аввалига бу масалага қарши қарашда бўлган Германия Ғазада юзага келган гуманитар вазиятдан кейин позициясини бироз юмшати...

Аброр ХОН,
халқаро шарҳловчи.

ПОЛЬША ҲУШЁРЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

Польша ҳукумати Германия ва Литва билан чегара назорати тартибини 4 октябрда қайта ўзгартирди. 7 июлда жорий этилган мазкур муваққат чорани мамлакат ички ишлар вазираи Марсин Кервински “ноқонуний миграциянинг янги йўналишларига қарши” зарур, дея таърифлаган.

Россия ва Беларусь орқали миграция оқими камайиши натижасида мигрантлар Европа Иттифоқига энди Литва ва Латвия орқали киришга ҳаракат қилмоқда. Шу боис Польша ва бошқа қўшни давлатлар хавфсизлик чорасини қучайтирган.




Бош вазир Дональд Туск илгари берган баёнотида ГФРдан минглаб муҳожиракор Польшага қайтишга уринаётгани номқабул амалиёт эканини билдирган ва ушбу мамлакат Шенген худудидоги ГФР ва Литва билан чегара назоратини вақтинча тиклашга қарор қилган. Расмийлар тартибини Германия билан 52, Литва билан эса 13 манзилда ўзгартирган.

Литва айна масалада Польша билан яқин ҳамкорлик давом этишини таъкидлаган. Канцлер Фридрих Мерц ҳам Шенген зонасида эркин ҳаракат сақланиши, бироқ бу тартиб ноқонуний миграция воситасига айланмаслиги лозимлигига ургу берган.

АВСТРАЛИЯДА БОЛАЛАР УЧУН “YouTube” ТАҚИҚЛАНДИ

Австралия дунёда биринчи бўлиб “YouTube” ижтимоий тармоғи ўсмирлар учун тақиқланишини айтди. Энди видео алмашиш платформасидан озод қилиш тўғрисидаги олдинги қарор бекор қилинади. Бу ҳақда “Arab News” хабар берган.

Қитъа-давлатнинг Интернет назорати ташкилоти ўтган ой ҳукуматни мазкур тармоқ учун тақиқ қилинган озодлик бекор қилишга қақирди. Сабаби, ушбу тузилма ўтказган тақиқот 10-15 ёш оралиғидоги болаларнинг 37 фоизи айти тармоқда ножўя контент курганини аниқлаган.



“Мета” тартибидоги бошқа ижтимоий медиа компаниялари “YouTube” ман қилиниши адолатсизлигини таъкидлаган.

— Ижтимоий тармоқ муайян маъсулиягга эга ва шубҳасиз, айна пайт онлайн платформалар болалар онгига салбий таъсир кўрсатиб, жамиятга ижтимоий зарар етказмоқда, — деди Бош вазир Энтони Альбанезе ўз баёнотида. — Австралиялик ота-оналар бизнинг бу масалада қатъий қарарга эғалигимизни билишини хоҳлайман.

Утган йил ноябрь ойида парламент қабул қилган қонунни бузган ижтимоий медиа тузилмалари декабрь ойидан бошлаб 32,2 миллион долларгача жаримага тортилган.

ПРЕЗИДЕНТ СИЁСИЙ РАҚИБЛАРИНИ АФВ ЭТДИ

Индонезия президенти Прабово Субианто икки сиёсий рақибни, жумладан, собиқ савдо вазираи ва юқори мартабали муҳолифатчи сиёсатчини қамоқ жазосига ҳукм қилинганидан бир неча ҳафта ўтиб афв этди, деб ёзмоқда “Arab News” нашри.

— Прабово ўлкадаги Демократик кураш партияси бош қотиби Хасто Кристиантога амнистия белгилади, — деган Индонезия адлия вазираи Супратман Анди Атгас.



Хасто ўтган ҳафта сайлов комиссиясига пора бергани учун 3,5 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

— Давлат раҳбари, шунингдек, шакар импортига руҳсатномаларни ноқонуний бергани учун 3,5 йилга қамалган собиқ савдо вазираи Томас Трикаси Лембонг учун ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги илтимосномани қондирди, — деган Супратман матбуот аңжуманида.

Интернет маълумотлари асосида
Исом ЭҒАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ШЕЪРИЯТ

Муродхон НИЁЗХОНИЙ

Дарахт шохидаги сўнгни
барг мисоли...

ОНАМГА МАКТУБ

Саволингиз кўйди мени шошириб,
"Фалончи қизини севарминдиг сен?"
Нима ҳам қилардим асли яшириб,
"Йўқ", дедим, "йўқ" дедим,
сохта кулдим мен.

"Нега айтмадинг?" деб қийнаманг мени.
Тола сочингизга арзимас дардим.
Онажон, дардингиз ошириб эмас,
Бахтингиз ошириб яшаш — истагим.

Мен мағрур туғилдим, мағрур ўламан,
Севгига ҳам эгмай бу қайсар бошни.
Лекин мен тиз чўкиб ўпа оламан
Оёгингиз теккан ҳар хасни, тошни.

Онажон, куйинманг, шундай кун келар,
Ўғлингизни шунда дунё билади.
Ўша, ўғлингизга тегмаган қизлар
Ҳали жуда қаттиқ афсус қилади.

ЎГИТ

Дўстни "дўст экан", деб кўтарма бошга.
Ушбу насиҳатим англа, ол уқиб.
Оғринма бугунги дўстлар сафидан
Кимдир чиқса эрта, бўлиб зўр рақиб.

Рақибни "рақиб" деб калтаклама кўп.
Танти йигит учун, билгил, бу ордир.
Ким билар бугунги рақиблар ичра
Эртанги энг содик дўстларинг бордир.

КУЗ

Купоғимни тешгудай бўлди
Хиёбонда, оёқ остидан

Эшитилган ўткир чинқирик
Ва ... танидим сарғайган баргни!
Гуноҳга ботирдинг мени, Куз,
Оёқ босдим яшилликда
Ўзим севган баргнинг юзига.
Гуноҳга ботирдинг мени, Куз...

ЯНА КУЗ

Куз,
Менинг рафикамга ўхшайсан.
Сочлари — олтин,
Юзларида офтоб кулгучи.
Куз,
Ёз бўйи қўшиқлар куйлаб,
Қиш олтидан яланғоч қолган
Дарахтларинг менга ўхшайди...

Охирги илинжик
Дарахт шохидаги
Сунги барг мисол
Титраб турар
Юрагим бир буржида...
Сен чиқмадинг.
"Хайр!" дегандай бўлди
Охиста биров.
Етим илинж —
Узилган шул барг
Ерга бошин кўйгунча то
Сочларимни қоплади қиров...

ҚИШЛОҚ

Қишлоқ яхши,
Кўз юмсанг унда,
Эшитганлар йўлидан келади қайтиб.
Қариндошми, бегонами



Муаллиф ҳақида:

Муродхон НИЁЗХОНИЙ — 1960
йилда Иштихон туманининг Шайхлар
қишлоғида туғилган. "Салом, бу - мен"
номли китоби нашр этилган.
Шеърлари, таржималари ва мақо-
лалари вақтли матбуот саҳифаларида
эълон қилиниб турилади.
"Дўстлик" ордени билан тақдирлан-
ган.

Келиб йиғлайди,
Ҳеч бўлмаса ... ўз дардин айтиб.

Кун келар,
Мени севилганини одамлар билар
Ва олам ҳаваси келади менга.
Ғийбат ботқоғида қурбақа ўлар.
Шунча йил яшадим, ишониб шунга.
Кун келар,
Ўларман, кўз ёшинг — дарё,
Куйиниб йиғлайсан ажални қарғаб.
Менга ҳавас қилар яна бу дунё,
Мен учун сен тўққан кўз ёшга қараб!

ПИШИҚЧИЛИК

ЯНГИ ПОЛИЗ
МАҲСУЛОТЛАРИ

Хива шаҳрида ўтадиган "Қовун сайли" фестивалига совға бўлади.

Шу кунларда ҳар йили
анъанавий равишда
Хоразм вилоятида ўтказиб
келинаётган фестивалга
қизгин тайёргарлик
кўрилади. Вилоятда
полизчилик соҳасида
янги бир тажриба асосида
қилинган тадқиқотлар
мевасини берди.

Абу Райҳон Беруний номи-
даги Урганч давлат универси-
тети ҳамда Ўзбекистон қишлоқ
хўжалиги илмий ишлаб чиқариш
марказининг сабзавот, полиз
экинлари ва картошкачилик ил-
мий-тадқиқот институти Хоразм
илмий тажриба станцияси ҳам-
корлигида воҳа шароитига мос
янги қовун навлари яратилди.

Изданишлар ва тажрибалар
натijasида "Ифтихор", "Ганди-
мён" ва "Кумуш" деб номлан-
ган қовун уруғлари тажриба та-
риқасида экилди ва юқори ҳо-
силдорликка эришилди. Кўҳна
воҳа тупроғи ва иқлим шарои-



тида баравж ривожланиши, ўта
даражада ширинлиги ва кўри-
ниши чиройиллиги, сақланиш
муддати узоклиги билан ажра-
либ туради.

Урганч давлат университети
профессори, қишлоқ хўжалиги
фанлари доктори Санжарбек
Саъдуллаев эътироф қилди:

— Янги кашф этилган қо-
вун навлари маҳаллий иқлимга
мослашувчан ва вирусларга чи-
дамли. Бу изланишлар нафақат
полизчилик соҳасини ривожлан-
тиради, экспорт салоҳиятини
ҳам оширади. Қишлоқ хўжали-
гида иқтисодий самарадорликка
эришишда ҳам катта аҳамиятга

эгадир. Келгусида селекция
ишларини янада кенгайтириб,
полизчиликда янги маҳаллий
брендлар яратиш йўлида фао-
лият олиб борамиз. Хоразм ил-
мий тажриба станциясида бу са-
фар 127 турдаги қовун навлари
"Қовун сайли" фестивалида на-
мойиш этилади. Янги навлар
бозорбоп, экспортбоп.

Фестивалда вилоятнинг бир
қатор полизчилик далаларида,
сўлим боғларида етиштирилган
турли хилдаги мевалар, маза-
си асалдан ширин қовунлар мам-
лакатимизнинг турли бурчаги-
дан сайилга келадиган юртдош-
ларимизга ва хорижий меҳмон-
ларга ҳавола этилади.

"Қовун сайли"да шириндан-
шакар қовунларни етиштирган
навлар ижодкорлари бўлган
олимлар ҳам иштирок этишади.
Қовуннинг 90 дан ортиқ нави-
дан турли хилдаги маҳсулотлар
қадоқланган ҳолда тайёрланиб
ҳавола этилади. Қовундан тай-
ёрланган мураббалар, шарбат-
лар, музқаймоқлар ҳам кўргаз-
мадан ўрин олади.

Қадимда ширинлиги билан
севиб тановул қилинган, аммо
сўнги йилларда унутилиб бо-
раётган 30 турдан ортиқ қовун
навлари Урганч давлат универ-
ситетининг олимлари томони-
дан қайта тикланаётганлиги эъ-
тиборга лойиқ, албатта.

Мамлакатимизнинг сеvimли
санъаткорлари ва хориждан
ташриф буорадиган таниқли
санъат юлдузлари фестивал
қатнашчиларига қувонч ула-
шади.


Фестиваль доирасида ме-
ва-сабзавот ва полиз маҳсулот-
лари савдоси, миллий либослар
ҳамда хунармандчилик маҳсу-
лотлари, тасвирий ва амалий
санъат асарлари кўргазмалари
намойиши кўзда тутилган.

Феруза ТАНҒРИБЕРГАНОВА



ҚАТРАЛАР

Тошкент шаҳрида бир кеча-кундузда 3,5 тонна
нон булаклари чиқитга ташланади.
(Интернет хабаридан)



БИР БУРДА НОН

Тандирдан эндигина нон узиб олган онамнинг юзи,
ёноклари ол бўларди. Пешонаси маржон-маржон тер-
лаганда чехрасида гўё нур жилваланарди. Ҳовлини эса
нон ҳиди эгаллайди. Нон исси... Оламдаги энг хушбўй
хид, қимматбахо фаранг атири ҳам бу исни такрор этол-
майди, таратолмайди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари эди. Узоқ Шарқдаги гадой-
топмас жойдаги ҳарбий қисмда хизматда эдим. Бир куни
ротамиз ошхонада наряд ўтаётган эди, столни нон бу-
лаги билан артаётган аскар кекса зобит томонидан жа-
золанди. Ўша зобит, аслида, меҳрибон, тушунадиган
бошлиқ эди.

— Бу нима, биласанми, нонкўр? — деди зобит нон
бурдасини аскарнинг кўзига яқин олиб бориб.

— Нон, — деди аскар.
— Мана шу бир бурда нон бўлганда онам бечора оч-
лиқдан қамалда ўлмаган бўларди...

— Тиллонинг кўчада ётганини кўрганмисиз? — сў-
ради ўқувчиларидан Эшнӣёз муаллим.
— Йўқ — дейишди болалар.
— Мен кўрдим, сизлар ҳам кўргансиз, фақат эътибор
қилмагансиз.

Болалар типирчилаб қолишди: "Топган бўлсангиз,
кўрсатинг", — дейишди. Муаллим чўнтагидан бир бурда
нонни чиқарди.

Болалар кулиб юборишди.
— Устоз, биз тиллони кўрамиз десак, сиз нонни кўр-
сатасиз, ҳазилми бу? — деди Исмаи фермернинг ўғли.
— Тиллоси йўқ одам, ҳар қалай, яшаса бўлади, аммо
нонсиз яшаб бўлмайди, — деди муаллим. — Нон — ол-
тиндан қиммат!

Синфхонага жимлик чўқди.

— Энг қудратли давлат бошлиқлари ҳам галла ҳа-
қида бош қотиради, — дейди кекса муаллим Мейли Ма-
матов. — Нон туфайли қадимда қавмлар, элатлар ўр-
тасида урушлар бўлган. Нон боис яраш битимлари им-
золанган. Эндигина тили чўкаётган гўдакнинг илк айтар
сўзи эса она, "нанны" бўлади.

Халқимизнинг нон синдириш, нон тишлатиш, нон би-

лан кутиб олиш каби одатлари асрлар оша яшаб келаёт-
тир.

— Бугдой, тегирмон, тандир, нон — инсоният тарихи-
даги энг буюк кашфиётлардир, — дейди Эшнӣёз муал-
лим ўқувчиларга.

Унсин момо тандир четида турган куйган нонни кў-
риб, келинидан ранжиди:
— Болам, оғина шошмаганинда, нонинг пушт таш-
ламасди, куймасди.

Келин ерга қаради. Кўп ўтмай, шовқин-сурон кўтариб
мактабдан келишган набиралари Унсин момонинг атро-
фини ўраб олишди.

— Болам, бояги менга атаб ёлган нонингни олиб
кел-чи, — деди келинига қараб.

Келин иккита куйган нонни уялиб дастурхон четига
қўйди. Момо "бисмилло" деб нонни синдирди ва аввал
куйган бўлагини оғизга солди.

— Бай-бай, мунча ширин бўлмаса, онам раҳматли
куйган нонни еган қўшиқчи бўлади дер эди, тўғри айт-
ган экан, — деди.

Набиралар момосининг гапига ҳайрон бўлишди,
сўнгра талашиб-тортишиб нонни бир зумда еб қўйишди.

— Момо, энди биз ҳам қўшиқчи бўламизми? — сў-
ради кенжа набираси.

— Ҳа, баринг ашулачи бўласизлар, аналаринг ҳам,
— деди Унсин момо кулиб.

Дунёда неъматлар кўп, лекин ҳеч қайсиси нон билан
тенглашолмайди. Нон шунчалар азиз!
Аждодларимиз нонни ўпиб, Ватанини ҳимоя қилишга,
ёвдан қасос олишга онт ичишган. Момоларимиз ганим-
ларни "нон урсин" деб қаргаган.

Тошпўлат маҳсум эса ҳовлини бошига кўтариб уй-
наётган набираларига "Ҳа, уйинг бугдойга тўлгурлар"
деб ўдагайлади.

Ўрлоб ҚОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюмчаси аъзоси.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

ЭЪЛОН

"Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ор-
дерлари ва маълумотномалар бериш мар-
кази" давлат унитар корхонаси томонидан
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 10-мавзе,
9-уй, 61-хонадон эгаси Ашурова Раъно Кучка-
ровна номига 1993 йил 24 январда берилган
№08-01/13095-сонли уй-жойни шахсий мулк
эканлигини тасдиқловчи давлат далолатно-
маси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон журналисти-
тика ва оммавий комму-
никациялар университети
жамоаси университет ка-
федра муdiri, профессор
Акбар Нурматовга волидаи
мухтарамалари

СУВОНОВА ҲАДИЯ онанинг
вафоти муносабати билан чу-
қур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳридаги
"Контит-Техно" масъулияти
чекланган жамияти жа-
моаси жамият директори

Қудрат ОТАХОНОВнинг
вафот этганлиги муноса-
бати билан марҳумнинг
оила аъзолари ва барча
яқинларига чуқур таъзия
билдиради.

Hurriyat

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВТахририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70Маъзилмиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uzМуассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмасиГазета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.

Адади: 4 233

Буюртма — Г-844

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нарҳдаТопширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 23³⁰

ISSN 2183-0680

Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233Газета тахририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков, Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.